Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 3-mart, seshanba, № 29 (3534)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари!

Европа Иттифоқи Кенгаши Президенти этиб сайланганим муносабати билан менга табрик йўллаганингиз учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Мен ўз вазифамни бажаришга киришар эканман, бу лавозимда муайян мақсадларни назарда тутганимни баён қилган эдим. Хусусан, Европа Иттифоқи халқаро майдонда муҳим ўрин тутишига, демократия ва фаровонлик бўйича тажриба алмашишига, дўстлар ва хорижий шериклар билан тинчлик ва бирдамлик каби эзгу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилишига қатъий ишонаман. Ўзимнинг бутун билим ва тажрибамни, куч-қувватимни ушбу хайрли ишларга бағишлаш ниятидаман.

Сиз билан яна учрашишни кутиб қоламан.

Самимий ҳурмат билан,

Дональд ТУСК,
Европа Иттифоқи Кенгаши Президенти

Обод манзиллар

Бугун Жиззах воҳасининг қай гўшасига борманг, намунавий лойиҳалар асосида қурилган бежирим ва кўркам тураржойлар эътиборингизни тортади. Уларда бахтиёр замондошларимиз истиқомат қилишаяпти. Маълумотларга қараганда, бултур 29 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 627 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Янги массивларда савдо, маиший хизмат мажмуалари, тиббиёт муассасалари, болалар спорт майдончалари, хиёбонлар, газ, сув, электр тармоғи, автомобил йўллари сингари инфратузилма объектларининг ҳам барпо этилаётгани аҳолини қувонтирмоқда.

ОРЗУ-ИСТАКЛАР РЎЁБИ

Юртимизда 2013 йил апрелда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуидаги халқаро конференцияда олтмишдан зиёд давлатдан уч юздан ортиқ олим, мутахассис ва эксперт, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этган эди. Улар янги мавзеларда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш шароити билан бевосита танишди.

— Қишлоқларда юз бераётган ўзгаришлар одамлар онгу-шуури, дунёқарашини ўзгартириб, эртанги кунга ишончини тобора мустаҳкамлаётганига чет эллик меҳмонлар ҳам иқрор бўлишди ўшанда, — дейди меҳнат фахрийси Шуҳрат Тожибоев.

Вилоятда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. 2015-2020 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ жорий йилда 690 та ана шундай янги уйлар қурилиши кўзда тутилган. Шу муддатда жами 4965 та хонадонда ҳовли тўйлари ўтказилади.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, уй-жойлар қурилишида асосий эътибор маҳаллий қурилиш ашёларидан фойдаланишга қаратилган. Бу, ўз навбатида, объектларнинг тез ва соз битиши, таннархини арзонлаштиришга хизмат қилаётир.

Абдуманноп АЗИМОВ,
"Ishonch"мухбири.

Суратларда: *Муродулла Дўстбекова оиласида; Пахтакор туманида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уйлар.*

ЎзА фотомухбири
Шерзод НАЗАРОВ
олган суратлар

Сайлов — 2015

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 2 март куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Я.Аллаёров очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлаб, ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишларига эътиборни қаратди.

Дастурда мамлакатимиз тараққиётининг энг асосий ўнта йўналиши белгилаб берилган. Жумладан, барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва рақобатбардошлигини ошириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик учун янада кенг йўл очиб бериш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қайта кўриб чиқиш, экин майдонларини оптималлаштириш ва ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, фермерлик ҳаракатини янги босқичга кўтариш, маҳаллийлаштириш дастурларини кенгайтириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш ва экспортни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби муҳим йўналишлар қамраб олинган.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари ҳудудлар мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Буни Самарқанд вилоятида амалга оширилган бекиёс бунёдкорлик ишларида ҳам кўриш мумкин. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бу қадим замин шуҳратини дунё узра янада кенг ёйди.

Бугун вилоят иқтисодиёти барқарор ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Самарқанд автомобил заводи, "JV MAN AUTO UZBEKISTAN", "СамАнтепгилам", "Сино", "8 Март" каби йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, туризм соҳалари изчил тараққий этмоқда.

"Нуроний" жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси Ҳ.Нормуродов, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети магистранти, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори У.Жўраева ва бошқалар "ўзбек модели" самарасида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланган давлатга айлангани, одамларнинг турмуш даражаси, ёшларнинг дунёқараши ва маданияти тобора юксалиб бораётганини фахр билан қайд этди. Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини таъкидлади. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

А.САМАДОВ,
Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

НАРИМОН УМАРОВНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан номзод Наримон Умаров 2 март куни Андижон вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Андижон округ сайлов комиссияси раиси О.Мирзаев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили А.Назаров йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров нутқ сўзлаб, сайловчиларга ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида маълумот берди.

Дастурда ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларининг ижтимоий масъулиятини янада ошириш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Шунингдек, ижтимоий тараққиёт дастурларини кенг жамоатчилик иштирокида экспертизадан ўтказиш, биринчи навбатда, туман ва шаҳарлар миқёсида жамоатчилик назорати юзасидан чоратадбирларни амалга ошириш, ижтимоий аҳамиятга молик, фуқаролик ташаббусларини ёқлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти учун янада қулай шароитлар яратиш ҳамда ҳомийлик фаолиятини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Хўжаобод туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори М.Худойбердиева, Избоскан ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори Ю.Нишонова ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни 29 март куни ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Термизда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

ОШКОРАЛИК — БОШ МЕЗОН

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, Термиз шаҳридаги участка сайлов комиссияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси О.Абдуназаров ва бошқалар мамлакатимизда сайловларни халқаро мезонларга тўла мос ўтказиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини миллий қонунчилигимиз доирасида очиқ ва ошкора ўтказиш учун қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Воҳада 708 сайлов участкаси ташкил этилиб, фуқароларнинг Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан фойдаланиши учун барча шароит яратилмоқда. Сайловни юқори савияда ташкил этишнинг муҳим бўғини бўлган участка сайлов комиссиялари аъзолигига эл орасида обрў-эътиборга эга, сайлов қонунчилигидан хабардор кишилар жалб этилган.

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 44 участка сайлов комиссияси фаолият юритмоқда. Айни пайтда сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини шакллантириш ишлари ниҳоясига етказилаётир.

— "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасида участка сайлов комиссиясининг ваколатлари алоҳида белгилаб қўйилган, — дейди Термиз шаҳридаги 251-участка сайлов комиссияси раиси Ш.Саъдуллаев. — Шунга мувофиқ, сайловчилар рўйхатини шакллантириб, овоз бериладиган бино ва сайлов қутиларини ҳозирлаб қўйдик. Она ва бола, тиббиёт ҳоналари миллий қонунчилигимизда белгиланган талаблар асосида жиҳозланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари иш фаолиятини ташкил этиш, комиссияларни молиялаштириш масалалари хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Иштирокчиларга сайлов жараёнида маҳаллий ва халқаро кузатувчиларнинг ўрни, сайлов кампаниясининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли, муддатидан олдин овоз бериш тартиблари тўғрисида маълумотлар берилди.

Шундай семинар-тренинглар вилоятнинг барча туманларида ўтказилмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

Томорқа хўжалиги

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Бухоро туман кенгаши раиси Асрор Қурбонов билан суҳбатимизда асосий мавзу қишлоқ хўжалик соҳасининг ривожи, айниқса, аҳолининг томорқадан фойдаланиш борасидаги фаолиятига қаратилди. Томорқа хўжалиги самарадорлигига кўмаклашиш тармоқ бошлғичи касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаларидан бирига айланаётгани таъкидланди. Минг эшитгандан бир кўрган афзал, дея "Работак" маҳалла фуқаролар йиғинига йўл олдик.

ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

МИНГ ЭШИТГАНДАН КЎРА...

Очиғи, томорқаларнинг ободлиги, улардаги кўркам иссиқхоналар эътиборимизни тортди. Эшитдикки, қишлоқ хонадонларининг 53 таси ихтиёрида 17,6 гектар иссиқхона мавжуд. Биз улардан бири — Шеровлар оиласига ташриф буюрдик. Ҳовлида пенсионер Рўзи ака Шеров ва унинг турмуш ўртоғи Жамила опа Ғафурова бизга пешвоз чиқишди. Салом-аликдан сўнг оиланинг бугунги аҳволи, турмуш шароити ҳақида қисқача гаплашиб олдик.

— Ички ишлар тизимида ишлаб, нафақага чиққанман, — гап бошлади Рўзи ака. — Оилада 4 нафар набирани ҳам қўшиб ҳисобласа 10 жонмиз. Турмуш ўртоғим, кенжа ўғлим Бекзод билан томорқада ишлаймиз. Тўнғич ўғлим Шерзод ички ишлар ходими. Келинларимнинг бири Иқболхон Муродова ҚВПда врач, иккинчиси Муқаддасхон Қодирова лицейда ўқитувчи. Оилага келаётган ойлик маошлар эҳтиёжимизни қондирса-да, ҳаммамиз бирлашиб томорқада, иссиқхонада ишлаб топган қўшимча даромадларимиз орзу-ҳавасларимизга барака бўлиб қўшилаяпти.

ОТА НАСИҲАТИГА АМАЛ

Рўзи ака фикрини давом эттирар экан, бир жиҳатга алоҳида урғу берди. Раҳматли отаси Ражаб бобо Шеров нафақат ўз қишлоғида, балки туманда эл ҳурматига сазовор деҳқонлардан бўлган. Умрининг охиригача қўлидан кетмонини қўймаган. Фарзандларига қайси касбда ишламасин, ҳамиша ерга садоқатли бўлишни, унга меҳр қўйиб ишлашни тайинлаб, ўз қўлинг билан етиштирган ҳосилнинг мазаси, баракаси ўзгача роҳат бағишлашини уқтириб ўтган. Ота насиҳатига амал қилган фарзандлар, набиралар эса ҳалол меҳнат билан оиласини тўқ, турмушини фаровон қилишяпти. Замонавий уй-жойлар қуриб, Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилган автомобилларда юмушларини бажариб юришибди. Ўрни келганда, эҳтиёжманд оилаларга ҳам мадад беришаяпти.

●○●●▶ 2

Янгиликлар, мақолалар, хабарлар

● Фарғона

Ўзбекистон туманидаги кўп тармоқли "Умид" фермер хўжалиги томонидан Яккатут қишлоғида замонавий чойхона ва "Тантаналар саройи" қуриб битказилди.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

— Президентимиз раҳнамолигида юртимизда тадбиркорлик ва хусусий бизнесга кенг имкониятлар яратилгани айни муддао бўлаётир, — дейди фермер хўжалиги раҳбари И.Назаров. — Бугун чойхонамиз ўз фаолиятини бошлаган бўлса, яқин кунларда тўй ва бошқа маросимлар ўтказишга мўлжалланган мажмуа ҳам ишга туширилади. Асосий мақсадимиз, аҳолига қулайликлар яратиш. Мажмуамиз ишга тушиши билан янги иш ўринлари ҳам яратилди.

Дарҳақиқат, бу ерда қишлоқдаги Яккатут маиший хизмат касб-ҳунар коллежини битирган 20 нафарга яқин ёшлар иш бошлади.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
"Ishonch" мухбири

● Навоий

"Кармана гипс маҳсулотлари" МЧЖ Ўзбекистон — Канада қўшма корхонасида 170 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Бу ерда иш 3 навбатда ташкил этилган бўлиб, кунига 70 тонна гипс, 2-2,5 минг дона гипсокартон ишлаб чиқарилаётир. Ишчилар бепул иссиқ овқат, махсус кийим-бош билан таъминланган.

ТАЛАБ ОРТМОҚДА

Ҳозиргача корхона маҳсулотлари ички эҳтиёжни қондиришдан ташқари, Қозоғистон ва Туркманистонга ҳам экспорт қилинаётган эди. Яқинда корхона мутахассислари Тожикистонга маҳсулот етказиб бериш юзасидан ҳам келишувларни амалга ошира бошлади.

Жорий йил Хитойдан янги технология келтирилиб, гипс ишлаб чиқариш кўлами янада кенгайтирилади. Бу эса, яна 40-50 нафар ишчи ўрни яратилади, деганидир.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
"Ishonch" мухбири

● Қорақалпоғистон

Қўнғирот тумани "Кийит" қишлоғилик Исломбой коллежни тугатиб, "Орнек" ОФЙ аҳолиси орасида кўзга кўринган тадбиркорга айланди. У якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, 2013 йилда ДТ Халқ банки Қўнғирот туман филиалидан 40 млн. сўм кредит олди.

"КИЙИТ"ЛИК ИШБИЛАРМОН

Иш фаолиятини баннер расмлар ишлаб чиқаришдан бошлаган йигит Германиядан келтирилган сўнгги русумдаги дастгоҳ туфайли чинакамига тилга тушди.

Исломнинг режаси катта. Йил якунига бориб банкдан кредит олиб, фаолиятини кенгайтириш, қўшимча ишчи ўрни ташкил этиш истаги бор. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларига нафақат Қўнғирот, балки қўшни Мўйноқ, Қонликўл туманларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Ортиқбой МАМУТОВ,
"Ishonch" мухбири

Кураш

Грециянинг Салоники шаҳрида ўзбек кураши бўйича "Ислом Каримов" Х халқаро турнири бўлиб ўтди. Бу миллий спортимиз — курашга жаҳонда қизиқиш тобора ортиб бораётганининг яна бир ифодасидир.

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ГРЕЦИЯДА БЕЛЛАШДИ

Кураш халқаро ассоциацияси, Европа кураш конфедерацияси ва Греция кураш федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада ўндан зиёд мамлакатдан юз нафарга яқин полвон икки вазн тоифасида гиламга чиқди.

Халқимизнинг миллий қадриятларидан бўлган кураш 1998 йилда халқаро спорт тури мақомини олган эди. Жаҳон мамлакатларида изчил ривожланаётган ўзбек кураши ўғил-қизларни жисмонан бақувват, юксак маънавиятли, ҳалол ва мард этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда. Бугун кураш Осиё, Африка, Европа, Америка ва Океаниядаги 120 дан зиёд давлатда оммалашмоқда. Кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар юқори савияда ташкил этилмоқда.

Кураш халқаро ассоциациясидан маълум қилишларича, Олимпия ўйинлари ватани — Грециядa ўтган халқаро турнир кескин ва муросасиз беллашувларга бой бўлган. Турнирнинг вазни 81 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги ҳал қилувчи баҳсида грециялик икки курашчи ўзаро беллашди. Дэвид Цокоури олтин медални қўлга киритган бўлса, Мирман Илиадис кумуш медал билан тақдирланди. Грузиялик Мичал Мичалидис ва мезбон полвон Костан Саридис учинчи ўринни эгаллади.

Мутлақ вазн тоифасидаги беллашувларда грециялик Василеио Илиадис шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Мойзес Илиадис иккинчи бўлди. Кипрлик Павлос Гкараклов ва грузиялик Дэвид Гкараклидис кучли учликдан ўрин олди.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

2015-yil 3-mart, seshanba, № 29 (3534), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — касаба уюшмалари асоси

БУХОРО ВИЛОЯТИ

▼Янгилик

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан бошланғич ташкилотларда ишлашнинг янгича, самарали шакл ва услубларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий технологияларга таяниб

Айни пайтда тармоқда 90 га яқин бошланғич ташкилот фаолият кўрсатиб, уларда 10 мингдан ортиқ касаба уюшма аъзоси меҳнат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, кенг қамровли изчил ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш фаолиятимизнинг бош мезонига айланган, десак, муболаға бўлмайди.

Кези келганда, ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланишнинг янгича услубини жорий этишга жиддий киришилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Жумладан, барча тармоқ ташкилот, муассаса ва корхоналар касаба уюшма қўмиталарининг buxprof.uz доменида электрон почталарини очишга эришдик. Бунинг афзаллиги шундаки, эндиликда касабақўм раиси ёки унинг ўринбосари ҳар кун электрон почтани очиб, ишни юқори ташкилотдан келган хатлар, қарорлар, топшириқ ва кўрсатмалар, услубий ёрдамларни қабул қилишдан бошламоқда. Почтани очиш асосида вилоят бирлашмаси кенгашининг веб-сайти ҳам кўздан кечирилиб, касаба уюшма ҳаётини бошланғич ташкилотга етказиш ва улардан зарур маълумотларни олиш учун атиги бир неча сония кифоя қилмоқда.

Айни пайтда бирлашма ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси Беҳзоджон Розиқов иштирокида бошланғич ташкилотлар электрон почтасига юборилган муҳим маълумот ҳақида касаба уюшма қўмитаси раисининг мобил телефонига SMS орқали қисқа хабарни автоматик тарзда юбориш тизими устида ҳам иш олиб бораяпмиз.

Албатта, барча касаба уюшма етакчилари бу тизимдан бирдай самарали фойдаланаяпти, дея бўлмайди. Чунки, фаолларимиз орасида компютер технологиялари ва интернет тизимидан етарли малакага эга бўлмаганлар ҳам бор. Бироқ, бу бошлаган интерфаол ишимизда муаммо бўла олмайди. Чунки, айнан ана шундай етакчиларимиз учун ҳам махсус ўқув, семинар-тренингларни ўтказишни бошлаганмиз.

Замонавий ахборот технологияларидан хабардор бўлиш, уни амалий фаолиятда қўллай олиш барча муваффақиятларимиз омили бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ҳаётжон ШАРИПОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

▼Ходимлар гимнастикаси

Белгиланган муддатда ходимларнинг бир гуруҳи спорт залига тўпланишди. Мураббий Марҳамат Мўминова бошчилигида одатдагидек енгил жисмоний ҳаракатларни бажаришга киришилди. Машқлар аста-секинлик билан мураккаблашиб борди. Даставвал ушбу ҳолат ҳеч кимни қийнаб қўймади. Аксинча, ходимлар ўзларини тетик ҳис қила бошлади. Ушбу жараён куннинг иккинчи ярмида бошқа гуруҳларда ҳам давом эттирилди.

Чиниқиш — танга роҳат

— Касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимлар гимнастикасининг ташкил этилиши айни муддао бўлди, — дейди муассаса ҳамшираси Зилола Назарова. — Чунки инсон иш жараёнида ҳар хил жисмоний, руҳий ҳолатни бошдан кечиради. Ходимлар гимнастикаси эса ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигига ижобий таъсир ўтказмоқда.

Дарҳақиқат, Бухоро "Мурувват" ногирон болалар учун интернат уйида бугун туб ўзгаришларни кўриш мумкин. Ҳозир бу ерда 235 нафар болажон ҳам даволаниб, ҳам тарбия топмоқда. Уларнинг саломатлиги 205 нафар меҳрибон тарбиячи, энага, врач ва ҳамширалар назоратида. Муассасада фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг оммавий турлари билан шуғулланишга кенг жалб қилиш орқали улар саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш касаба уюшмасининг муҳим вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тавсия этилган ходимлар гимнастикаси муассасанинг барча ходимларига бирдек манзур бўлди. Жисмоний машқларнинг мураккаб ва қийин эмаслиги, иш вақтида тетиклик бахш этиши, муҳими, иш жойида ва иш кийимида ўтказилишига мослаштирилгани, айниқса, ходимларга маъқул келди. Бунинг учун ишчилар касаба уюшма ташкилотидан миннатдор.

— Соғлом одамнинггина ишида унум бўлади, — дейди муассаса бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Сайёра Имамова. — Ишдан тетик, хушкайфиятда уйига қайтган киши, ўзўзидан тушунарлики, оиласига хурсандчилик бахш эта олади. Ходимлар гимнастикаси машғулотлари савиясини янада ошириш ниятидамиз. Илиқ кунлар бошланиши билан жисмоний машғулотлар очиқ ҳавода ўтказилади.

Ҳамза РЎЗИЕВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси

▼Ижтимоий ҳимоя

Институтимизда ёшларнинг чуқур билим олиши, етук ва баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шароит мавжуд. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 апрелдаги "Бухоро муҳандислик технология институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан сўнг олий ўқув юрти ўзгача қиёфа касб этди. Ҳозирда учта замонавий ўқув-лаборатория биноси, иккита талабалар тураржойи бўлажак мутахассисларимиз хизматида.

Ғамхўрликка амалий жавоб

Ходимлар ва талабалар касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти ва институт маъмурияти ўртасидаги жамоа шартномаси орқали ижтимоий ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Ўтган даврда профессор-ўқитувчилардан 14 нафари Европа ва МДҲ мамлакатларида, жорий йилда эса 8 нафар олимимиз Полша ва Испанияда ўз билим ва малакасини ошириб қайтишди.

Жамоа шарномасига мувофиқ барча ходим ва талабалар бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, давоталабларга "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси томонидан 2 млн. сўмлик бепул дори-дармон ажратилди. Эҳтиёжманд, ногирон талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими билан ўрнатилган ҳамкорликка биноан, талабаларнинг шартнома тўлови учун йил давомида 68 млн. сўм ҳомийлик маблағи тушириди. Профессор-ўқитувчиларнинг ёзги таътилда соғлигини тиклаши учун 10 фоизли йўлланмалар ҳисобидан 25 та, ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 20 та имтиёзли йўлланма ажратилди. Касаба уюшмаси қарори билан жорий йил 1 январидан 15 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож талаба учун якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобидан бепул тушлик ташкил этилди.

Талабаларнинг тураржойи учун йиллик тўлов вилоятдаги бошқа олий ўқув юртларига нисбатан 50 фоизга арзонлаштирилди. Узоқ вилоятлардан ўқишга қабул қилинган талабаларга 20 млн. сўмлик моддий ёрдам берилди. Бевосита касаба уюшмаси аралашуви билан 1 нафар талабанинг болаликдан ногиронлик ва 2 нафар талабанинг чин етимлик ҳуқуқлари тикланиб, давлат томонидан белгиланган қўшимча тўловлар тўлана бошланди.

Илм даргоҳимизда талабаларнинг фанларни пухта ўзлаштириши кўплаб қўшимча жиҳатларга боғлиқлиги ҳисобга олиниб, спорт билан шуғулланиш учун етарли шароитлар яратиб қўйилган. Замон талабига жавоб берадиган спорт заллари ва майдонлар мавжуд. Бунинг ижобий натижалари амалда намоён бўлмоқда. Айни пайтда ўндан ортиқ талабамиз спортнинг бир қатор турлари бўйича мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпионларидир.

Кўп нарса муҳит ва шароитга боғлиқ. Ушбу ақидадан келиб чиққан ҳолда, имкониятларни янада яхшилаш устида изланмоқдамиз.

Шукурилло ОЧИЛОВ,
Бухоро муҳандислик технология институти ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси

▼Меҳнат муҳофазаси

Акциядорлик жамиятимиз халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозирда 176 нафар ишчи-ходим замонавий технология жиҳозлари туфайли меҳнатда юқори унумдорликка эришаётир.

Қулай ва хавфсиз шароит

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан имзоланган 2014-2016 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасига асосан бир қанча рағбатлантириш тадбирлари белгиланган. Жумладан, молиявий аҳвол ва соф фойдадан келиб чиқиб, ходимлар таътилга чиққанда соғлиғини тиклаши учун энг кам иш ҳақининг 6 баравари миқдорида моддий ёрдам берилади. Аёллар ва ёшлар учун белгиланган алоҳида имтиёзлар ҳам мавжуд.

"Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига биноан корхонамизда жамоатчилик асосида 5 кишидан иборат меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси тузилган. Ушбу комиссия фаолияти иш режага биноан қуйидаги масалаларни амалга оширишда ҳисса қўшиб келаяпти:

- ишчи-ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалардан ўтказиш;
- ҳар бир ишчи, муҳандис ва раҳбар ходимлар хавфсизлик техникаси мажбуриятларини лавозим йўриқномаси доирасида бажаришига эришиш;
- ҳар бир технологик ускуналарнинг техник ҳолати, ишлаши, электр хавфсизлигини иш бошланишидан олдин кўздан кечириш;
- белгиланган муддатларда хавфсизлик техникаси йўриқномасидан ўтказиш;
- ишга яроқсиз асбоб-ускуналардан фойдаланмаслик;
- белгиланган муддатларда махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;
- ёнғин хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича суҳбатдан ўтказиш.

Жамоа томонидан сайланган меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади. Ўтган йилда касаба уюшма қўмитасининг умумий йиғилишида меҳнатни муҳофаза қилиш масаласи цехлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

"Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси томонидан раҳбар ходимлар меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилиб, билими синовдан ўтказилди. Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия томонидан ишчи-ходимлар йиллик ўқитиш режасига биноан ўқитилиб, "Саноатгеоконтехназорат" мутахассиси иштирокида уларнинг билими синовдан ўтказилиб келинаяпти. Бу ўз самарасини бераяпти. Жумладан, кейинги 20 йилда жамоада ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса рўй бермади. Ишлаб чиқариш цехларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича бурчаклар, баннерлар, айтиш мумкинки, ўзига хос муҳокама марказига айланган. Жамиятда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича 2014 йилда 34 млн. 421 минг сўм сарфланган эди. Бу йилда ушбу масалага эътибор янада кучайтирилади.

Неъмат ОЧИЛОВ,
"Шохруд" акциядорлик жамияти меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича муҳандиси

Қўшимча даромад манбаи

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

БИР ЙИЛДА УЧ ҲОСИЛ

Шеровлар хонадони кўп қатори 15 сотих майдонга эга. Унинг 10 сотихини томорқа ташкил этади. Шундан 3 сотихи иссиқхона. Бу ерда йил бўйи уч марта ҳосил олинади. Экин майдонида асосан кўкатлар — пиёз, кашнич, шивит, редиска, саримсоқпиёз шунингдек, помидор, бодринг, карам, сабзи, картошка, булғор қалампири, бақлажон каби ўнлаб рўзғорбоп озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилади.

Қаҳрамонимиз иссиқхонадан фойдаланишда ўзига хос жадвал асосида ишлайди. Яъни, ҳар йил 20 сентябрда саримсоқпиёз экиб, уни келгуси йилнинг 10 февралигача йиғиштириб олади. Кейин "Чинто", "Буран" ёки "Бэла" помидор кўчатларидан ўтказиб, дастлабки ҳосилни апрел ойининг охири, май ойи бошида ола бошлайди. Июл ойи охирида помидордан бўшаган майдонда сентябр ойи ўрталаригача бодрингнинг маҳаллий "Орзу" нави парваришланади. Шу тариқа ер йил бўйи экин билан банд.

Плёнка остидаги далада 1000 тупдан помидор ва бодринг етиштирилади. Ер эгасининг таъкидлашича, ҳар туп помидордан 4-5 кг., 1 туп бодринг кўчатидан эса 5-6 кг. ҳосил олинган, боз устига куз ва қиш ойларида саримсоқпиёзнинг бозори чаққон бўлган пайтларда даромад салмоқли бўлади. Яна бир муҳим жиҳат. Рўзи ака иссиқхонани шундай яратганки, уни иситиш учун ҳеч қандай харажатга ўрин йўқ. Мўътадил ҳарорат табиий ҳолда сақланади. Бу ҳам даромадга муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётир. Етиштирилган маҳсулотлар эса ҳар куни хонадоннинг шахсий "Дамас"ида бозорга, истеъмолчилар дастурхонига етказилади. Унинг ортидан бараканинг ўзи келаверади.

ОРТИҚЧАСИ ҚЎШНИ ВИЛОЯТЛАРГА

Рўзи ака мамнун ҳолда биз билан хайрлашаркан, ҳамиша улардан хабар олиб турадиган, лозим пайтда кўмагини аямайдиган касаба уюшма ташкилотлари ва маҳалла вакилларидан миннатдорлигини изҳор этди. Биз эса Работакда Рўзи аканинг касбдошлари йил сайин кўпайиб бораётганидан қувондик. Алишер Қодиров, Истам ва Рустам Муҳиддиновлар, Нурилло Жумаев, Бахтиёр Рўзиев, Очил Қодиров сингари тадбиркор хонадон соҳиблари ҳам иссиқхоналарида ҳалол меҳнат қилиб, эл дастурхонини тўкин қилишда муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, оиларига ҳар йил 30-35 млн. сўмдан қўшимча даромад келтираётганидан хабардор бўлдик. Улар етиштираётган ноз-неъматларга нафақат Бухорода, балки қўшни Қашқадарё, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам харидорлар кўпаяётганини эшитиб, ибратли ҳаракатлар янада кенг қанот ёйишига тилак билдирдик.

ҚУВОНЧЛИ РАҚАМЛАР

Тадбиркор томорқачилар ҳузуридан қайтарканмиз, туман статистика бўлими бошлиғи ўринбосари Мажид Жўраев бизга ҳавола этган айрим маълумотлар эътиборимизни тортди. Туманда 150 мингга яқин аҳоли яшайди. Хонадонлар 26456 та. 23751 оила ихтиёрида 3763 гектар томорқа майдони бор. Улар ҳисобидан ўтган йил 23239 тонна дон, 23845 тонна картошка, 56655 тонна сабзовот, 23653 тонна полиз, 12631 тонна мева, 22936 тонна узум, 17197 тонна гўшт, 69628 тонна сут, 18 млн. 318 минг дона тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга чиқарилган. Ушбу рақамлар томорқачилар томонидан етиштирилган маҳсулотлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 112,2 фоизга кўпайганидан далолат. Ушбу натижалар мамлакатимизда қишлоқ аҳлига кўрсатилган ғамхўрлик, ерлар мелиоратив ҳолати яхшиланганги, аграр соҳа ходимларининг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгариб бораётгани ва фаровон ҳаёт ифодасидир.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 3-mart, seshanba, № 29 (3534), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

IPOTEKA BANK

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодиётимизнинг таянч бўғини. Шу боис, мамлакатимизда мазкур соҳани жадал ривожлантириш, ишбилармонлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бозор талабларига тезкорлик билан мослашиш, янги технологияларни жорий этиш, қўшимча иш ўринлари яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг имконияти катта. Бугун юртимиз истеъмол бозорида эҳтиёж юқори бўлган маҳсулотларнинг асосий қисми хусусий сектор вакиллари томонидан ишлаб чиқарилаётгани, муҳими, уларнинг аксарияти рақобатбардош, жаҳон андозаларига жавоб бериши сўзимизга яққол мисол бўла олади.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

"ИПОТЕКА-БАНК" ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Албатта, соҳа истиқболини сармояларсиз тасаввур этиш мушкул. Юртимиздаги молия муассасалари бу борада ишбилармонларнинг ишончли ҳамкори ва яқин кўмакчисига айланиб бораётгани қувонарлидир.

Хусусан, Президентимиз мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган йили тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмликка яқин микрокредитлар ажратилди. Эътиборлиси, бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 39 фоиз кўпдир.

Чунончи, "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат банкининг ҳам бу борадаги муваффақиятлардаги ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Ўтган йил молия муассасаси томонидан тадбиркорларга қарийб 662,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, ана шу маблағлар ҳисобидан кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Масалан, банк филиаллари орқали хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида қарийб 75 млрд. сўмлик, сервис соҳасини такомиллаштириш учун эса 107 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар йўналтирилди.

Албатта, бугун юртдошларимиз турмуш фаровонлиги юксалиши, аҳоли реал даромадлари ўсиши билан уларнинг замонавий хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари тобора кенгаймоқда. Ўз навбатида, республикамизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик ишлари ҳажми йил сайин ортиб бораяпти. Бу эса тадбиркорлик субъектлари зиммасига ана шу йўналишларда янги-янги бизнес лойиҳаларни амалга ошириш талабини қўймоқда. Мазкур жараёнда "Ипотека-банк" томонидан ажратилаётган бошланғич сармоялар тадбиркорлик тузилмаларининг оёққа туриши ва фаолиятини кенгайтиришда ҳал қилувчи ўрин тутаяпти.

Ана шу мақсадда ўтган йили молия муассасаси ишбилармонларни умумий қиймати қарийб 161,5 млрд. сўмлик микрокредитлар билан таъминлади. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 8,3 млрд. сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Ёшлар, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Айниқса, уларнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этилиши кичик мутахассисларнинг катта ютуқларига асос бўлмоқда. Ўтган йил банк томонидан ана шундай йигит-қизларнинг қарийб 15,5 млрд. сўмлик истиқболли лойиҳалари молиялаштирилди. Бинобарин, ёш оилаларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши учун 10 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилди. Бунинг ҳисобидан 15700 дан ортиқ иш ўринлари яратилиб, минглаб оилалар доимий даромад манбаига эга бўлди.

Айтиш жоизки, айни кунда юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар чекка ва олис қишлоқларни ҳам бирдек қамраб олаяпти. Натижада, ана шу ҳудудларда энг илғор технологиялар билан таъминланган ишлаб чиқариш субъектлари, замонавий инфратузилмага эга хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Пировардида қишлоқ ва маҳаллаларимиз бутунлай янгича қиёфа касб этиши баробарида, бу манзилларда яшовчи аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб бораяпти. Маҳаллий корхоналар ёрлиғи туширилган импорт ўрнини босувчи товарлар эса дунёнинг турли мамлакатларига экспортга чиқарилаётир. Бунда, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. "Ипотека-банк" жамоаси ҳам мазкур ҳужжат ижроси доирасида соҳага йўналтирилаётган сармоялар миқдорини муттасил кўпайтириш йўлидан бормоқда. Ўтган йил ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳалар учун 162 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши натижасида жойларда кўплаб кичик корхоналар ташкил этилиб, мавжудлари тубдан модернизация қилинди. Янги-янги иш ўринлари яратилди.

Маълумки, жаҳонда аҳоли сони муттасил ошиб бораётгани, турли экологик муаммолар ва ноқулай об-ҳаво таъсирида қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳар доим ҳам қутилганидек ҳосил олинмаётгани туфайли айрим мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги юзага келмоқда. Оқибатда одамларнинг кундалик ноз-неъматларга бўлган эҳтиёжини қондириш халқаро ҳамжамият олдига қатор долзарб вазифаларни қўяяпти.

Қувонарлиси, мамлакатимизда пухта ўйланган иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши туфайли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми йил сайин кўпайиб бораяпти. Бу борада Президентимиз томонидан 2009 йил 26 январда имзоланган "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, "Ипотека банк" озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган бизнес лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун қарийб 97 млрд. сўмлик кредитлар ажратди. Бу эса бозорларимиз мўл-кўллиги, дастурхонларимиз тўкинлигига хизмат қилаётир. Ўз навбатида, маҳаллий тадбиркорларимиз, фермер хўжаликларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, уларнинг даромадига даромад қўшилмоқда. Бу банк мижозларининг қуйидаги дил сўзларида ҳам яққол намоён бўлади.

Банк кўмаги билан

Фермер хўжалигимиз ташкил этилганига ўн олти йилдан ошди. Ўттиз гектар ерда ғалла, яна шунча майдонда пахта етиштирамиз. Экинларимиз ҳосилдорлиги ошишида "Ипотека-банк" Жиззах вилояти филиали томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар жуда асқотмоқда. Бинобарин, хўжалигимиз фаолият турини кенгайтириш мақсадида янги бизнес-режалар ишлаб чиққандик. Болалар дам олиш хиёбони, яхна ичимликлар дўкони ва сунъий қопламали футбол майдончаси ташкил қилишга қаратилган лойиҳамиз "Ипотека-банк" Жиззах вилояти филиали мутасаддиларига маъқул тушди. Шу тариқа, кредит ажратилишини сўраб қилган мурожаатимиз қисқа фурсатда ижобий ҳал этилди. Банк ишончини қозонган ҳамкор сифатида бизга 100 млн. сўм миқдорида молиявий кўмак кўрсатилди. Ушбу маблағ ҳисобига "Соғлом бола йили" Давлат дастурига киритилган Жиззах туманидаги Тоқчилик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий болалар дам олиш хиёбони ва сунъий қопламали футбол майдончасини барпо этиб, ишга туширдик. Натижада, қишлоқ ўғил-қизларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун шароит яратилиши баробарида, хўжалигимиз даромадлари ҳам ортди. Энг муҳими, мазкур лойиҳа шарофати билан маҳаллий ёшлардан 7 нафари муқим иш жойига эга бўлди. Улардан 4 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчисидир.

Бундан ташқари, фермер хўжалиги тасарруфидаги тўй ва тантаналар мажмуаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда новвойхона аҳоли хизматида. Уларда ҳозир 63 нафар киши иш билан банд.

Интилганга толе ёр, деб бежиз айтишмайди. Биз муваффақиятларимиз билан кифояланиб қолмоқчи эмасмиз. Келгусида зотдор чорва молларни кўпайтириш ва иссиқхона фаолиятини йўлга қўйишни мақсад қилганмиз. Бу режаларимиз тўлиқ амалга ошгач, аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда яна ўнлаб қишлоқ ёшларини иш жойлари билан таъминлаш имконияти юзага келади.

Ишончимиз комилки, бу борада ҳам, албатта, яқин ҳамкоримиз — "Ипотека-банк" Жиззах вилояти филиалининг моливий кўмагига суянамиз. Негаки, мазкур муассаса жамоаси тадбиркор ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш ва тегишли йўл-йўриқлар кўрсатиш борасида катта тажриба ва салоҳиятга эга.

Абдунаби АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилоятидаги "Кўрғонтепа" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари

Имкониятдан руҳланиб

Шундай ҳунарлар борки, уларни хотин-қизлар меҳнатисиз тасаввур этиш қийин. Тикувчилик ва каштачилик бунга мисол. Бугун аждодларимиздан мерос ана шу қадимий ҳунар турларини мукаммал эгаллаб, бунинг ортидан яхшигина даромад топаётган ишбилармон аёлларимиз ўз меҳнати билан ҳам оиласига, ҳам жамиятга катта наф келтирмоқда. Энг муҳими, бундай эзгу ишларни давлатимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди. Тегишли жой, сармоялар ажратилаяпти. Муваффақиятга эришиш учун амалий тавсия ва маслаҳатлар берилаяпти.

Мен ҳам бундай имконият ва имтиёзлардан руҳланиб, тадбиркор бўлдим. "Ипотека-банк"нинг Хоразм вилояти филиали жамоасидан миннатдорман. Тикувчиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳам рўёби учун 30 млн. сўм сармоя ажратишди. Ҳозир шу маблағдан унумли фойдаланиб, маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйдик. Саккиз киши, жумладан, олти нафар коллеж битирувчисини жамоамиз сафига қабул қилдик. Кредит ишимизга барака киритиб, ҳозир ойига 12 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз.

Бугун корхонамизда замонавий дастгоҳларни моҳирлик билан бошқараётган ёшларни кўриб ҳавасим келади. Уларнинг ғайрат-шижоати, билим ва салоҳияти кишига илҳом бағишлайди. Шу боис, фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги йўналишлар, янги тармоқларни ташкил қилмоқчимиз. Албатта, уларда яратиладиган иш ўринларига ҳам асосан ёшларни таклиф этамиз. Бу мақсадимиз амалга оширишда яқин ҳамкоримиз — "Ипотека-банк" кўмагига суянамиз.

Гавҳар ОТАБЕКОВА,
Қўшкўпир туманидаги "Фоиз" хусусий корхонаси раҳбари.

Бандликка ҳисса қўшаяпмиз

Бевосита давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларининг мунтазам қўллаб-қувватланаётгани, соҳани ривожлантиришга қаратилган имтиёз ҳамда имкониятлар яратиб берилаётгани биз, тадбиркорларни янги марралар сари чорламоқда.

Табиийки, тадбиркорлик, энг аввало, пухта бизнес-режа, сўнг молиявий маблағ орқали шакллантирилади. Шу маънода фаолиятимиз молия муассасалари билан чамбарчас боғлиқ.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда банк ва мижоз ўртасидаги алоқалар тобора яхшиланиб бормоқда. Яъни молия муассасасининг қулай шартларда таклиф этаётган хизматлари тури кенгаяётгани аҳолининг банкларга бўлган ишончи ва қизиқиши ортишига сабаб бўлаяпти. Қолаверса, бундай хизматлар, энг аввало, мижоз манфаати устуворлигини кафолатлаши билан ажралиб туради.

Бунга бизнинг фаолиятимиз ҳам яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, уч йилдан ортиқроқ муддат аввал хусусий корхона ташкил этиб, мебел жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдик. Ўтган даврда "Ипотека-банк" Сурхондарё вилоят филиали билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз туфайли кўплаб ютуқларни қўлга киритиб, янгидан-янги марраларга эришдик. 2013 йилда мазкур молия муассасасининг 240 млн. сўмлик кредити эвазига илғор ускуналарни харид қилдик. Айни пайтда биз ишлаб чиқараётган МДФ эшиклари, деразаларга ромлари ҳамда мебеллар юртимизда бунёд этилаётган замонавий бинолар кўркига кўрк қўшмоқда. Энг муҳими, ушбу сармоя эвазига 20 та янги иш ўрни ташкил этишга эришдик. Улар орасида коллежларда ҳунар эгаллаган ёшлар ҳам меҳнат қилмоқда.

Келгусида пойабзал ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Бунинг учун банк сармоялари зарур бўлади. Биз ушбу лойиҳамизнинг ҳам амалга ошишига ишонамиз. Ахир, бугун ишбилармонларнинг ҳар бир ташаббуси банк эътиборидан четда қолмаяпти.

Жумақул БОБОҚУЛОВ,
Сурхондарё вилоятидаги "Глория мебел сервис" хусусий корхонаси раҳбари

Давр билан ҳамнафас

Тараққиёт сари шиддатли одимлаётган бугунги давр ҳар бир кишидан ишбилармонлик ва омилкорликни талаб қилади. Зеро, замон билан ҳамнафас бўлган инсонгина олдига қўйган режаларини амалга оширишга, эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришга муваффақ бўлади. Муҳими, ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, юртга, атрофдагиларга нафи тегади.

Биз ҳам ана шундай эзгу ниятларни дилга тугиб, тадбиркорлик соҳасида фаолият юритишга, ўз билимимиз, куч-ғайратимизни ушбу йўналишда синаб кўришга жазм этдик. Яқинларимиз билан бамаслаҳат иш қилиб, аввало, фаолият туримизни белгиладик. Маҳаллий хом ашё — пахтани қайта ишлаш бўйича корхона ташкил этишга қарор қилдик. Шу мақсадда 2009 йил феврал ойида масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Рушан текс" хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этдик.

Қувонарлиси, жамоамиз билан ҳамжиҳатликда астойдил меҳнат қилганлигимиз боис, ишларимиз аста-секин ўз самарасини бера бошлади. Ўтган даврда жамоамиз аъзоларининг турдош корхоналарда тажриба ошириши масаласига алоҳида эътибор қаратиш ва маҳсулотларимиз сифатини босқичма-босқич яхшилаб бориш орқали ишлаб чиқариш кўрсаткичларини янада оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, 2012 йилда фаолиятимизни янада такомиллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини оширишга эҳтиёж сезилди. Албатта, бунинг учун бизга йирик миқдорда сармоя зарур эди. Шу мақсадда кредит сўраб, яқин ҳамкоримиз — "Ипотека-банк"нинг "Сардор" филиалига мурожаат қилдик.

Янги лойиҳани амалга ошириш бўйича тақдим этган бизнес-режамиз банк мутахассислари томонидан ўрганилиб, маъқулланди. Натижада, корхонамизга 5 йил муддатга имтиёзли шартларда 4 млрд. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Мазкур сармоя эвазига хориждан 2 та "Rieter" русумли замонавий ипйигирув дастгоҳини келтирдик. Зарур миқдорда хом ашё харид қилиб, толани қайта ишлаш жараёнларини юқори унумли технологиялар асосида амалга ошира бошладик. Буларнинг бари, пировардида ишимиз самарадорлигини кескин ошириш, маҳсулотларимиз сифатини янада яхшилаш ва уларни жаҳон стандарти талабларига мослаштириш имконини беради.

Ҳозирда корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотларимизни ҳам ички, ҳам ташқи бозорга етказиб бераяпмиз. Муҳими, буюртмачиларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Бу эса бизни янги марралар сари чорламоқда. Шу маънода, келгуси режаларимиз бисёр. Ўйлаймизки, уларни амалга оширишда ишончли ҳамкоримизга айланган "Ипотека банк" бизга яқиндан кўмак беради.

Мустақим ТЎХТАЕВ,
Бухоро вилоятидаги "Рушан текс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари



ЎзА суратлари

Реклама ўрнида

Реклама ва эълонлар

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори ҳамда НКМК ДК "Зарафшон қурилиш бошқармаси"нинг 2015 йил 27 февралдаги 20-02/924 -сонли буюртманомасига асосан мазкур корхонада сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1986 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 922 DAA бўлган ЗИЛ-130 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 4 123 803 сўм.**

2. 1980 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 912 DAA бўлган ЗИЛ-130Г русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 4 330 709 сўм.**

3. 1985 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 851 DAA бўлган ЗИЛ-130 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 683 892 сўм.**

4. 1985 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 856 DAA бўлган ЗИЛ-130 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 527 990 сўм.**

5. 1993 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 844 DAA бўлган ЗИЛ-130 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 701 471 сўм.**

6. 1990 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 870 DAA бўлган ЗИЛ-4314150 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 4 343 148 сўм.**

7. 1990 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 872 DAA бўлган ЗИЛ-4502ммз русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 4 537 832 сўм.**

8. 1994 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 885 DAA бўлган МАЗ-5551 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 5 840 561 сўм.**

9. 1995 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 534 DAA бўлган ПАЗ-3205 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси – 3 227 063 сўм.**

10. 1993 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 583 DAA бўлган ТАД-3205 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 464 352 сўм.**

11. 1990 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 587 DAA бўлган ТАД-3205 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 415 866 сўм.**

12. 1993 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 883 DAA бўлган ГАЗ-3307 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 761 947 сўм.**

13. 1983 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 850 DAA бўлган ЗИЛ-130 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 4 263 221 сўм.**

14. 1986 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 924 DAA бўлган ЗИЛ-431410 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 4 351 441 сўм.**

15. 1990 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 528 AAA бўлган УАЗ-3303 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 4 823 494 сўм.**

16. 1982 йилда и.ч. техник носоз бўлган ДЗ-27 русумли бульдозер. **Бошланғич баҳоси — 5 788 410 сўм.**

17. 1989 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 771 FAA бўлган ЗИЛ-555 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 475 251 сўм.**

18. 1989 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 35-35 ЧЗ бўлган МТЗ-80 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 405 167 сўм.**

19. 1995 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 19-18 ЧЗ бўлган ЭО-2629 русумли экскаватор. **Бошланғич баҳоси — 3 092 703 сўм.**

20. 1985 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 0343 AA бўлган ОДАЗ-885 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 734 713 сўм.**

21. 1995 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 788 DAA бўлган ЛАБО русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 875 141 сўм.**

22. 1983 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 853 HAA бўлган ЗИЛ-ММЗ-555 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 712 592 сўм.**

23. 1987 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 758 HAA бўлган ЗИЛ-4502 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 464 255 сўм.**

24. 1986 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 744 HAA бўлган МАЗ-5334 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 8 002 477 сўм.**

25. 1985 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 719 HAA бўлган МАЗ-5334 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 8 061 154 сўм.**

26. 1985 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 739 HAA бўлган ЗИЛ-130 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 4 358 629 сўм.**

27. 1985 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 839 HAA бўлган КРАЗ-250 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 7 711 966 сўм.**

28. 1985 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 933 HAA бўлган КРАЗ-250 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 10 745 461 сўм.**

29. 1997 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 21-50 ЧЗ бўлган ТО-49 русумли трактор. **Бошланғич баҳоси — 3 844 698 сўм.**

30. 1980 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 19-15 ЧЗ бўлган КС-5363 русумли кран. **Бошланғич баҳоси — 15 708 758 сўм.**

31. 1986 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 66-69 ЧЗ бўлган ДЗ-122 русумли автогрейдер. **Бошланғич баҳоси — 8 280 044 сўм.**

32. 1986 йилда и.ч. техник носоз бўлган ДЗ-27 русумли бульдозер. **Бошланғич баҳоси — 4 180 030 сўм.**

33. 1988 йилда и.ч. техник носоз бўлган ДЗ-171 русумли бульдозер. **Бошланғич баҳоси — 5 823 510 сўм.**

34. 1990 йилда и.ч. техник носоз бўлган ЭО-4124 русумли экскаватор. **Бошланғич баҳоси — 7 275 072 сўм.**

35. 1990 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 66-76 ЧЗ бўлган Д-579 русумли бульдозер. **Бошланғич баҳоси — 3 505 700 сўм.**

36. 1993 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 21-72 ЧЗ бўлган МТЗ-80 русумли трактор. **Бошланғич баҳоси — 3 317 750 сўм.**

Савдо 2015 йил 7 апрел куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 3 апрел куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 7 апрел куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2015 йил 23 апрел, 14-, 28 май, 11-, 25 июн кунлари соат 10:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2015 йил 21 апрел, 12-, 26 май, 9-, 23 июн кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида олди-сотди шартномасини тузиши лозим.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ "Ипотека-банк" Навоий филиали қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР: 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Тел: 0 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605.

Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги 192-сонли қарорига асосан «MURUVVAT-TEKS» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2015 йил 17 март соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга «MURUVVAT-TEKS» масъулияти чекланган жамиятининг 23.02.2015 йилдаги 62-сонли буюртмасига асосан Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани, Истироҳат кўчаси, 258-уй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 10 826,0 кв.метр, қурилиш майдони 7 013,0 кв.метрдан иборат қурилиши тугалланмаган тикувчилик цехи бино ва иншоотлари мужассам ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич нархи: 20 000 000 000 (Йигирма миллиард) сўм.

Фаолият ихтисоси: Тадбиркорлик ва объект негизида истиқболли ишлаб чиқариш фаолиятини яратиш.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2015 йил 24-, 31 март куни ҳамда 2015 йил 7-, 14-, 21-, 28 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2015 йил 17 март кунидаги савдо учун 16 март, 24 мартдаги савдо учун 23 март, 31 мартдаги савдо учун 30 март, 2015 йил 07 апрелдаги савдо учун 6 апрел, 14 апрелдаги савдо учун 13 апрел, 21 апрелдаги савдо учун 20 апрел, 28 апрелдаги савдо учун 27 апрел кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат тўловини тузиладиган закалат келишувига асосан аукцион ташкилотчиси «REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамиятининг СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400, МФО: 00452, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиалидаги 20208000700234536001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аукцион ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, шунингдек аукционда тулиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Буюртманоларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Лицензия: RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru, Хизматлар лицензияланган.

2015-yil 3-mart, seshanba, № 29 (3534), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Спорт — саломатлик гарови

НАВБАТДАГИ БОСҚИЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарорига мувофиқ ташкил этилаётган "Спорт — саломатлик гарови" шиори остидаги мусобақалар авж палласига кирди.

ТОШКЕНТ шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан пойтахтимиздаги муҳташам Олий ўқув юртлариаро спорт мажмуасида уюштирилган баҳсларни кузатиб, бунга яна бир карра иқрор бўлдик.

Унда якунига етган икки босқич ғолиблари — турли касб эгалари бўлган 200 дан ортиқ ходим иштирок этди. Мусобақада, айниқса, ёши улуғ юртдошларимиз ва аёлларнинг фаол иштирок этгани диққатга сазовордир.

Якуний натижаларга кўра, сузишда Елена Лисетикая ва Владимир Липов, бадминтон баҳсларида Дилфуза Султонова ҳамда Сергей Гимадиев, стол тенниси бўйича Наталя Ливанова, Қаҳрамон Ҳасанов, шашкада Гавҳар Шарипова, Баҳодир Убайдуллаев, шахматда Гулнора Ортиқова, Равшан Шукуров, волейбол беллашувларида эса Юнусобод тумани жамоаси зафар қучди.

Шунингдек, мусобақада "Энг ёши улуғ иштирокчи", "Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи", "Ғалабага бўлган интилиши учун", "Энг ёш иштирокчи" номинацияларида ғолиблар аниқланди.

— Бугунги кунда аёллар ҳам спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Бир вақтлар бундай имкониятни фақат орзу қилиш мумкин эди, — деди мусобақа иштирокчиси Дилфуза Эштоева.

— Юртимизда спортга берилаётган катта эътибор барчамизни бирдай хурсанд қилмоқда. Кўрдикки, мусобақа иштирокчилари ҳам соғлиғини тиклади, ҳам бир олам таассурот олди, — деди стол тенниси бўйича иккинчи ўрин соҳиби Исроил Носиров.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

***

ФАРҒОНА шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежи ҳамда янги қад ростлаган муҳташам "Сув спорти саройи"да спартакиада баҳсларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

— Бу мусобақалар оммавийлик сари яна бир дадил қадам бўлди, — дейди вилоят бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ғанишер Файзиев. — 1000 нафарга яқин иштирокчи пухта ҳозирлик кўрганини исботлаш учун астойдил ҳаракат қилди.

Айниқса, аёллар ўртасида кечган волейбол баҳслари катта қизиқиш уйғотди.

— Мусобақада илк марта қатнашаяпман, — дейди Фурқат туманидаги 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шоҳида Отажонова. — Биз мактаб, туман босқичларида ғолиб чиқиб, вилоят босқичига келдик. Бу ерда кучли шахматчилар билан беллашиб, янада шаштим ошди. Энди шахмат билан жиддий шуғулланишни, қолаверса, фарзандларимга ҳам ўргатишга аҳд қилдим. Зеро, шахмат ақлни чархлайди, инсон тафаккурини бойитади.

Волейбол баҳсларида Бешариқ туман таълимчилари жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, стол тенниси мусобақаларида А.Алихонов, М.Муродова, шахматда Б.Зоитов, шашка ўйинларида Р.Содиқов, С.Мамарозиқова, бадминтон бўйича М.Тиллабоев, Ф.Сотволдиева, сузиш беллашувларида Ё.Комилов ҳамда аёллар ўртасида Ҳ. Усмонова ғолиб чиқди.

Ташкилотчилар номинациялар бўйича ҳам бир гуруҳ иштирокчиларни аниқлади. "Энг ёши улуғ иштирокчи" номинациясида қўштепалик ўқитувчи Олимжон Мамажонов, Фарғона шаҳридан 36-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Садбархон Маҳмудова, "Энг ёш иштирокчи" номинациясида С.Олимов, "Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи" йўналишида Ф. Усмонова номлари ҳурмат билан тилга олиниб, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

***

АНДИЖОН шаҳрида "Спорт – саломатлик гарови" шиори остида ўтказилаётган республика спартакиадасининг вилоят босқичи якунига етди.

— Мазкур мусобақаларнинг йил сайин анъанавий тус олаётгани ҳамда қамрови кенгаяётгани соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда қўл келмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Феруза Қурбонова. — Кузатувларга кўра, ташкилот ва муассасаларнинг спортсевар ишчи-ходимларида касб касалликларига чалиниш ҳолатлари деярли учрамайди. Иш фаолияти самарадорлиги ҳам тобора ортяпти.

Муросасиз баҳсларда волейбол бўйича биринчилик Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тармоғи жамоасига насиб этди. Бадминтон бўйича С. Аҳмаджонова, М.Абдуллаев, шахмат бўйича М.Маҳкамова, Ф.Каримов, шашка бўйича К.Мирзаева, А.Исмоилов, стол тенниси бўйича Г.Акбарова, Д.Ҳусаинов, сузиш йўналишида эса А.Куралисова ҳамда Д.Собиржонов ғолиблик шоҳсупаларини эгаллашди.

Бундан ташқари, "Энг ёши улуғ иштирокчи", "Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи", "Энг ёш иштирокчи", "Ғалабага бўлган интилиши учун" номинацияларида ҳам иккитадан ғолиб аниқланди.

Спартакиада пешқадамлари республика минтақавий босқичига йўлланма олди.

***

— Мусобақаларнинг илк босқичида 3396 та бошланғич касаба уюшма ташкилотидан 454 822 нафар ходим иштирок этди, — дейди **САМАРҚАНД** вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Акбар Абдусаидов. — Иштирокчиларнинг 200 мингдан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этгани қувонарли ҳордир. Энг муҳими, ходимлар саломатлик ўзларига боғлиқ эканлигини тобора чуқурроқ англаб етишаётир.

Самарқанд шаҳридаги Олимпия захиралари маркази спорт мажмуида мусобақаларнинг туман босқичларида ғолиб бўлган 300 дан зиёд меҳнаткаш жам бўлди. Тантанали тадбирни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров кириш сўзи билан очиб берди. ЎзКУФК раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев қутловидан сўнг жамоалар мусобақаларга киришди.

Мусобақанинг шахмат тури, айниқса, муросасиз кечди. Самарқанд туманидан Жамшид Акобиров барча рақибларини доғда қолдириб, ғолиблиқни қўлга киритди. Шашка бўйича беллашувда аёллар ўртасида Самарқанд шаҳридан Шоира Абдусодиқованинг қўли баланд келди.

Стол тенниси бўйича эркаклар ўртасида Самарқанд туманидан Фаррух Жўраев, аёллар ўртасида пастдарғомлик Моҳира Пиримованинг маҳорати эътироф этилди.

Оммалашиб бораётган бадминтон баҳсларида пастдарғомлик Шердор Раҳматов ва Ҳусниобод Раҳматова рақибларидан устун келди. Волейбол бўйича Пахтачи туман ташкилотларида хизмат қилаётган аёллар жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Самарқанд архитектура ва қурилиш институти ўқитувчиси Исоқ Нарзуллаев, пайариқлик Қумуш Расулова "Энг ёш иштирокчи", пайариқлик Ҳабиба Улуғбекова "Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи", жомбойлик волейболчи аёллар жамоаси "Ғалабага бўлган иштиёқи учун" номинациялари ғолиби деб топилди.

Моҳира Пиримова, Пастдарғом туман таълим тизими ходими:

— Қўлимга ракетка ушлаган эмасдим. Таълим даргоҳимиздаги шароит менда ҳам қизиқиш уйғотди. Аста-аста бўш пайтларим стол тенниси билан шуғуллана бошладим. Маҳоратим ошди. Бугун мусобақада ғолиб бўлганлигим руҳимни кўтариб юборди.

Садриддин Аслиддинов, касаба уюшма фахрийси:

— Касаба уюшмаларидаги тизимли ишлар ҳар бир меҳнаткаш шуурига сингиб бораётир. Эътирофли жиҳати шундаки, меҳнаткаш ва унинг оиласи жамоат ташкилотининг амалий, маънавий ва ижтимоий кўмагини тўла ҳис қила бошлади.

Мусобақа ғолиблари ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбирларимиз.
"Ishonch" фотомухбири Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva
Bosishga topshirish vaqti — 23:30
Topshirildi — 23:40
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 315 | 20844 nusxada bosildi | 1 2 3 5 6